

***TILSHUNOSLIK VA METODIKA  
MASALALARI***

**«Muharrir»  
Toshkent – 2019**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
OLIIY VA O'RTA MAXSUS TA'LIM VAZIRLIGI**

**BUXORO DAVLAT UNIVERSITETI**

**O'ZBEK TILSHUNOSLIGI KAFEDRASI**

# **YAXSHILAR YODI O'CHMAYDI SIRA**

*(dotsent Vafo Sharipovich  
Egamberdiyevning 80 yilligiga bag'ishlanadi)*

**TOSHKENT  
«Muharrir» nashriyoti  
2019**

<u>Юсупова Д.</u>	<u>БухДУ магистранти</u>	<u>Х.Худойбердиева шеърларидаги баъзи полисемантик сўзлар хақида</u>	
Ёкубова Л.	<i>Ромитан т. 13-мактаб ўқитувчиси</i>	Agnonim soʻzlar xususida	
Йўлдошева Д.	<i>БухДУ доценти</i>	Nostandart topshiriqlar – taʼlim samaradorligini oshirish omili	
<u>Йўлдошева Д.</u> <u>Юсупова Д.</u>	<u>БухДУ доценти</u> <u>БухДУ магистранти</u>	<u>6-sinfda otlarning tuzilishiga koʻra turlarini botanika mavzulari bilan bogʻlab oʻqitish</u>	
Йўлдашева Х.	<i>Қариши ХТХҚТМОҲМ катта ўқитувчиси</i>	Бадий матнда коммуникант феъл-атворини ифодаловчи бирликларнинг социал хосланиши	
Зойирова Х.	<i>Когон т. 17-мактаб ўқитувчиси</i>	Она тили дarsida grammatik ertakdan foydalanish	
Зокирова З.	<i>Ғиждувон т. 10-мактаб ўқитувчиси</i>	Она тили mashgʻulotlarida adabiyot materiallaridan foydalanish	
Ўраева Д. Шарипова М.	<i>БухДУ профессори Шофиркон т. 1-мактаб ўқитувчиси</i>	Иқбол Мирзо шеърларида этнофольклористик тушунчаларнинг бадий талқини	
Ғайбуллаева Н.	<i>БухДУ ўқитувчиси</i>	Evfemizmlarning oʻrganilishiga doir	
Ғуломова Ш.	<i>БухДУ ўқитувчиси</i>	Gender tilshunosligi va uning rivojlanishi xususida	
Шамсиддипов М.	<i>БухДУ магистранти</i>	Баъзи фразеологик бирликларнинг лингвомаданий хусусиятлари (инглиз ва ўзбек тиллари мисолида)	
Шарипова Л.	<i>БухДУ доценти</i>	“Бола ботир” достонида фольклор таъсири ифодаси	
Шарипова Ғ. Йўлдошева Д.	<i>БухДУ талабаси</i> <i>БухДУ доценти</i>	Til ijtimoiy mohiyatga ega hodisa sifatida	
Шокулов Д.	<i>Когон т. 8-мактаб ўқитувчиси</i>	Она тили машғулоти учун ўқув топшириқлари	

Самое важное – что такое норматив, то есть к чему учить, как отобразить правильные употребления слов. Лингвистическое описание подчиняется принципу относительности, или ориентированности на адресата. Каждая грамматика, каждый словарь, каждый учебник по логике предполагает определенный минимум знаний.

Богатство словаря, разнообразие синонимов, красочность и действительность средств – все это сложилось в процессе исторического развития русского литературного языка. Богатство русского языка обнаруживается в его лексике, в его словарном составе. Об этом можно судить по словарям русского языка. Словари русского языка – могучее орудие культуры речи и вместе с тем продукт этой культуры.

Велика роль словарей в современном мире. Французский лексикограф Алан Рей назвал современную цивилизацию цивилизацией словарей. Сегодня все больше осознается роль словарей в духовной жизни общества, в осмыслении культурного наследия народа.

Итак, словарь – это не только собрание слов, не просто книга о словах. Это – книга о словесных окружениях и классах, о лексической системе и о ее отдельных участках.

#### **Литературы:**

1. Ожегов С.И. Словарь русского языка. –М., 1988.
2. Тихонов А.Н. Современный русский язык. Лексикология.– Т., 1992.
3. Фомина М.И Современный русский язык. –М., 1990.
4. Денисов. П.Н. Лексика русского языка и принципы ее описания.– М, 1980.

*Юсупова Д.Ю.–БухДУ магистранти*

### **Ҳ.ХУДОЙБЕРДИЕВА ШЕЪРЛАРИДАГИ БАЪЗИ ПОЛИСЕМАНТИК СЎЗЛАР ҲАҚИДА**

*Аннотация:* Мақолада истеъдодли шоира Ҳ.Худойбердиева шеърларида баъзи сўзларнинг кўчма маънода қўлланилишидаги ўзига хослик лингвопоэтик таҳлилга тортилган.

*Калит сўзлар:* лингвопоэтика, метафора, метонимия, синекдоха, ташбеҳ, индивидуал нутқ.

Шоира Ҳалима Худойбердиева – сўзнинг лугавий маъноларини турфа жилваларда акс эттира олган, магзи тўқ шеърлари билан ўзбек китобхонининг қалбидан жой ола билган, ўзига хос, бетакрор ижодкор. У ҳозирги ўзбек тилининг лексик-семантик хусусиятларига таянган ҳолда янгича ташбеҳлар яратишга эришган. Шоира ижтимоий-сиёсий мавзуларда бўладими, лирик ёки интим мавзуларда қалам тебратадими, гўзал ўхшатишлардан кўпроқ фойдаланади. Шоира туйгулар тасвирини янги-янги шаклларда берар экан, шакл ва мазмун мутаносиблигига эришади; ҳақиқатни айтиш, адолат тантанасини улуглаш учун тинмай изланади; шунинг баробарида барчамизга таниш сўзлар зиммасига янги ва чуқур маънолар юклайдики, бу унинг ҳақиқий истеъдод эгаси эканлигини далиллайверади.

Мисолларга мурожаат қиламиз. Шоира «Аёл ўтиб борар...» шеърда шундай ёзади:

*Сен сўрама. Мен ҳам айтмайин,  
Курагимни(нг) синганини қарс.*

*Шовқин солма, мен уйготмайин,  
Юрагимда ётар бир йўлбарс...*

Ҳ.Худойбердиева «Юрагимда ётар бир йўлбарс» мисраси орқали гўзал ташбеҳ яратади.

Мутахассислар томонидан «дунё аёлларига бағишлов» деб эътироф этилган шоиранинг «Аёл» шеърида ҳам «*Сен дарёсан...*», «*Унамадинг, аёл ўзи терс «халқ», дедилар»*, «*Ичолмагач юз ўгириб шўр, талх, дедилар»* каби ўнлаб мисраларида ҳам гўзал ташбеҳлар бор.

Ижодкорнинг шеърий туғёнларида сўзлар табиатидаги шартлилик, «коса тагидаги нимкоса» тарзида ифодаланадиган кўчма маънодорлик устуворлик қилади. Юқоридаги мисралар маъно ифодасига кўра ижтимоий-фалсафий, бадиий-эстетик аҳамият касб этади. Яна бир мисол:

*Ўз кучи, ўз бардошини билмаган дарахтман мен,  
Қокилгандай битта жойдан жилмаган дарахтман мен.  
Сершоҳ, сербарг новдалари чақ-чақлатиб қушларни  
Умр бўйи ўзи бир бор қулмаган дарахтман мен...*

Иброҳим Ғафуров таъбири билан айтганда: «шеър бу шоирнинг ўзи». Шоира руҳий изтиробларини, дил қийноқларини «*ўз бардошини билмаган дарахт»*, «*битта жойдан жилмаган дарахт»*, «*ўзи бир бор қулмаган дарахт»*га ўхшатади ва бетакрор истиоралар яратадики, бу фикрнинг ифодалилигини ва таъсирчанлигини таъминлайди. Мазкур парчадаги ўхшатишларда мантиқ кучли, уларни ўқир экансиз, шоиранинг дил туғёнларига беихтиёр шерик бўласиз.

*Биров тичоқ билан кесди, сўрди шираларимни,  
Бошқа биров каллаклади, кўрди ичим, қаъримни.  
Баргим тилла қурти еди, биров кийди заримни  
Мен-чи, бировлардан бир барг юлмаган дарахтман мен...*

Шоира ўхшатишлари ўқувчида раҳм хиссини уйготмайди, аксинча, бир пўртананинг ичидан омон чиқишга интилгудек ҳолатга солади кишини. Бир сўз билан айтганда, ўқувчини АЁЛ, ҲАЗРАТИ ИНСОН қалби нўртаналарига чорлайди. Бу ҳолатни Ҳалима Худойбердиева каби дадил тасвирлаш, назаримизда, барча шоирларга ҳам насиб этавермайди.

Ҳалима Худойбердиева ижодида ўзбек шеъриятидаги анъанавий ўхшатишлар ҳам кўн кузатилади. Чунончи,

*...Росту ёлгон эртақларнинг борар ери Сен,  
Асов отдай эркақларнинг борар ери Сен...*

Яна бир мисол: *Онагинам! Дориламон кунлар келди, шафақлари ол... ёки Ўғлонларинг мева қадар бир ширинликдир...*

Манбаларда кўчимлар борасида фикр борар экан, одатда, от туркумига оид мисоллар билан изоҳлаш кенг учрайди. Бироқ феълларнинг ҳам маъно тараккиёти кенг учраши шоир шеъриятида ўз ифодасини тонган. Масалан,

*Мозийи ҳар отар тонгни эмизган,  
Ҳар тигли ақлни, онгни эмизган.  
Бўри, тулкимас, арслонни эмизган –  
Туркликнинг кўкраги, булоғи Турон.*

Ҳалима Худойбердиеванинг «Турон» шеърида «ўқ отмоқ», «чўғ отмоқ» каби бирикмалар ўзига хос тарзда усталик билан баён этилади. Айтмоқчимизки, одатий ҳолларда улар салбий маъно ифодаси учун қўлланилади. Аммо шоира мазкур шеърида улардан ижобий стилистик оттенкани юзага чиқариш учун қўллаган:

*Ўнгимда руҳимга ўқ отган фикр,  
Кўнглимга бир ёруз чўғ отган фикр.  
Уйқумда қонимни уйғотган фикр:  
«Туркликнинг муқаддас ўчоғи Турон».*

Шоира шеъриятида инсон ва табиатнинг бошқа яралмишлари хусусият-ҳолатларини ёнма-ён қўйиш, таққослаш, қиёслаш орқали уларга мурожаат қилиш ҳам кўп учрайди. Натижада, бундай шеърлардаги образлар фалсафий умумлашма хусусиятига эга бўла боради, маъно кучайиб, метафоралашади. Шоира фақат шуҳратманд тарихда кечган аجدодларимизнинг ибратли ҳаётларини васф этибгина қолмай, бугунги авлодни голиб боболар изидан бориб, Ватанга садоқатли фарзанд бўлишга чақиради. Бу чақириқ донишманд файласуфнинг ўгити, қахрамон бобонинг насиҳати, ярадор сарбознинг битиги бўлмай, балки шу тупроқнинг ҳар заррасида, энг аввало, илоҳий бир меҳр ва муқаддасликни теран мушоҳада қилган, жону тани шу замин билан қоришиб кетган, ҳар барги, ҳар гиёҳи, ҳар бир боласининг жон толаларига жигарининг қон томирлари туташ Она-шоиранинг нидолари, фарёдларидир [5]. Бу ҳол шоиранинг «Она-Ватан», «Навоий–нон», «Бу умр ўтар кўчадир» шеърларида яққол кузатилади:

*Мен Туроннинг қадим кўнгиригимен,  
Жаранг берсам қир-даласи уйғонар...  
Болам, кимсан, ким бобонгнинг қотили,  
Билармисан туркнинг тўқсон зотини?  
Томиримдан чиққудайин отилиб  
Найман онанинг ноласи уйғонар...*

Сир эмаски, замонавий шеъриятнинг лирик қахрамони ҳаёт тўғрисида, инсон ҳақида кўпроқ ўйлайдиган бўлиб қолди, ўйлаганда ҳам юзаки эмас, анча чуқур ўйлайдиган, доно фикрлар айтадиган бўлиб қолди [1]. Мана шу ҳолат Ҳалима Худойбердиева шеърларини бир-бирига боғлаб турган «ришталар»дир, десак тўғрироқ бўлади. Бу борада метафорик усулдаги кўчимлар шоира томонидан ўринли танланади.

Биз ҳазрат мир Алишер Навоийни «мутафаккирлар мутафаккири», «авлиёлар авлиёси», «газал мулкининг султони», «ашъор кишварининг шоҳи» каби ташбеҳлар билан улугланишларига кўникиб қолганмиз. Бу борада шоира янги ўхшатишларни қўллайди ва «Бу буюк шоир бизники» деб айюҳаннос солувчиларга, тортишувчиларга ёки беҳуда баҳс қилувчиларга аниқ жавоб айтади:

*Навоий – нон. Тўсма. Унга борар йўлдан қоч,  
Ғашлик қилма, тўрт ённи ҳам ёритаркан тоғ.  
Навоийга ўзин урса, урма кофирни,  
Ахир нонга мусулмонун кофир бирдай оч.*

Шоира шеъриятида метонимия ва синекдоха маъно кўчиш усулларида ҳам кенг фойдаланади. Синекдоха ҳосил қилувчи ва ҳосила маънолари денотативнинг бири бутун, иккинчиси, албатта унинг бўлаги бўлишини яхши биламиз. Метонимияда эса ҳосил қилувчи ва ҳосила маъно денотатлари алоҳида-алоҳида нарса ҳамда воқеликдан иборат, улар бутун-бўлак муносабатига эга эмас. Синекдохаларда сўзнинг лексик маъноларидан бирида ифодаланган бўлак, иккинчисидан ифодаланган бутуннинг муҳим белгиси бўлади [2;3]. Метонимияда ўзаро алоқадорлик белгиси ўринга, замонга ёки бири иккинчисининг материали бўлишига кўра юзага чиқади, шу асосда ҳосил қилувчи маъно ҳосила маънони юзага келтирган бўлади [2,25].

Метонимия усулида ҳосил бўлган кўчимларга Ҳалима Худойбердиеванинг куйидаги шеърий мисраларини мисол қилиб келтириш мумкин: «*Тун бўйи оёқ учида юриб чиқар Сўз*», «*Туркий элни балолардан қўриб чиқар Сўз*», «*Бор лашушинг бирма-бир еч-да, Бошдан-оёқ ҲУРЛИКни кийин!*», «*Кул қиладир бизларни у ўт*», «*Ҳали мени қийнамоқдан тўймас остона*», «*Кўп хушрўй кўринар қалбингдаги бог*», «*Жонли виждонларни тортажасак дорга*»...

Келтирган мисолларимиздаги *сўз, хурлик, ўт, остона, бог, виждон* сингари сўзлар метонимик ҳосила маънони яратиш учун хизмат қилган. Бу мисолларда сўзнинг лексик маъноси ҳосила маънони нарсалар ўртасидаги алоқадорлик ва яқинликка кўра юзага келтирган.

Синекдоха усулида маъно кўчган мисралар сирасига «*Кўнгил, қўлин боглаб одам аҳлини, Банду банд қилади тагин муҳаббат*», «*Бу ҳаёт галати, жигарим*», «*Кўрқма, гоҳ қийналиб қолса жон*», «*Айтаверсам жонга тушар ўт*» кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Ушбу мисраларда *кўнгил, жон* сўзлари синекдоха усулида кўчган полисемантик сўзлардир. Мисолда *кўнгил, жигар, жон* сўзлари билан «одам» назарда тутилган. Қолаверса, «*қўлин боглаб*» бирикмаси индивидуал нутққа хос бўлиб, у матн талабига кўра янгича маъно ифодалай олган. (Халқ жонли сўзлашувида, одатда, *қўлини боғламоқ* ибораси бирор юмушдан қўймоқ маъносида қўлланилса, шоир бу ўринда *севмоқ* маъносини мужассамлаштиради.) Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ҳалима Худойбердиева шеъриятида ўзига хос маъно ташувчи, бошқа шоиру шоиралар ижодида кузатилмайдиган бир қатор индивидуал нутқ кўринишлари учрайди:

*То бу байроқ, Ватан, нурлар*

*Ич-ичингга кетсин кириб.*

*Токи ганим ватанхўрлар*

*Ололмасинлар сузуриб...* («Ватан байроғи» шеъридан)

*Болакайим, сен кўрқма, сен ҳовучламагин жон –*

*Сен қозоғоз каптарингни ясайвергин шодланиб...*

*(«Улугбекни кузатиб» шеъридан)*

*Наврўзона шавқ-ла куйлай гунчани уйготтириб....*

*Ғам на қилсун ул мунаввар шамъи шабистон олдида.*

*(«Наврўз» шеъридан)*

*Ҳеч ким билан сирлашмай, ҳеч кимсага тутмай май,*

*Ўз қоним билан ўзим алвонланиб бораман.* («Бегим» шеъридан)

Бу каби сўзлар поэтик тасвирни беришда, ифодаланаётган фикрнинг эмоционал экспрессивлигини таъминлашда муҳим услубий восита бўлиб хизмат қилган.

Шоиранинг поэтик услубида қуйидаги сўзлардан кенг фойдаланганлигини кузатишимиз мумкин: эрк, ватан, мухаббат, она, қуёш, кўнгил, гул, юрак, кураш, аёл, ёнмоқ ва ҳ.к. Мазкур сўзлар ҳар бир ўринда ўзига хос семантик-функционал вазифа бажарган, бетакрор кўчимлар яралишида хизмат қилган.

#### Адабиётлар:

1. Каримов О. Бадиий образнинг кўп маънолилик хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. –1990, № 3. 21-26-б.
2. Миртожиев М.М. Ўзбек тили семасиологияси. –Т.: Мумтоз сўз, 2010.
3. Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили.–Т.: Ўзбекистон, 1993.
4. Сувонова Р. Ўзбек тилида метонимия. НДА. –Самарқанд, 2001.– 22 б.
5. Худойбердиева Х. Сайланма.–Тошкент: Шарқ, 2000.–398 б.

### *Yoqubova L.–Romitan tumani 13-maktab o'qituvchisi* **AGNONIM SO‘ZLAR XUSUSIDA**

*Annotatsiya: Maqolada agnonim so'zlarni leksikologiyadagi varvarlar, argolar, jargonlar qatoriga kiritish masalasi tahlilga tortilgan.*

*Kalit so'zlar: agnonim, leksema, mavhum, umumiylik-xususiylik, suqma so'zlar.*

So‘z inson ongi va yuksak tafakkuri mahsuli bo‘lib, u hamisha tushunchalar bilan aloqadorlikdadir. Ular o‘zaro dialektik munosabatda bo‘lgani bois tushuncha va so‘z o‘rtasida nomuvofiqlik ham, muvofiqlik ham bo‘lishi mumkin. Bu tilning serqirra, nihoyatda keng imkoniyatlarga va sharoitga ega hodisa ekanligidan dalolatdir. Tushuncha–insoniy bilish va tafakkur mahsuli, so‘z uning voqelanish shakli. Insoniyat, jamiyat, madaniyat va ma’naviyat rivojlanishida ekan, bu ikki unsur ham hamisha rivojlanib bir-biriga ta’sir etadi, o‘zgaradi va yangilanadi. Shunga ko‘ra, tushuncha predmet belgi, voqea, hodisalar, harakatlar haqida kishilarning tasavvuri bo‘lib, so‘z shularning ma’lum tovush yig‘indisi vositasida tilda reallashuvi demakdir. Tushuncha so‘zga, so‘z esa tushunchaga to‘la mos kelavermaydi. Zero, lug‘aviy ma’no anglatuvchi so‘zlar muayyan bir tarkibiy qismlar (atash, ifoda, vazifa semasi)dan iborat bo‘ladi. Bu mantiqiy, tarkibiy, tadrijiy qismlar so‘zning umumiy ma’nosini shakllantirib har bir ma’noning alohida birlik sifatida mavjudligini ta’minlaydi. So‘z ma’nosining tarkibiy qismlari nutqda muayyan xabar (darak) berish bilan birga (dastlabki bosqichda), turli ifoda semalarining ham voqelanishida asos bo‘ladi. Tilimiz lug‘at tarkibida *axalay-maxalay, abraha-dabra, abadayni-shabadayni, aynayni-shaynayni* kabi so‘zlar qatori borki, ular tushuncha bilan bog‘liq holda hech qanday ma’no anglatolmaydi. Mazkur birliklar “jamiyat a’zolari uchun tayyor, majburiy bo‘lgan” mustaqil va yordamchi leksemalardan tubdan farq qiladi.

Shu jihatdan ularga tilda lison birligi emas, balki nutq birligi sifatida qaralishi lozim hamda tilshunoslik fanining tadqiq obyekti sifatida bunday so‘zlarni, fikrimizcha, bir guruhga jamlagan holda tahlil etish maqsadga muvofiq. Ularga nisbatan “agnonim” atamasi(yunoncha “bilinmagan, noma’lum”)ni qo‘llash maqsadga muvofiqdir. Rus tilshunosligida agnonim hodisasining tadqiqi